O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 3-noyabr • Shanba • 135 (27.780) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

2007 йил 5 ноябрь, душанба куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VI қурултойи бўлиб ўтади.

Демократик сайлов ва кучли фуқаролик жамияти 2

Экспертларнинг қайд этишларича, Ўзбекистон сайлов қонунчилигида демократик сайловнинг барча асосий тамойиллари — умумийлик, сайлов ҳуқуқининг барча учун тенглиги, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш, сайловда ихтиёрий қатнашиш, сайловни ўтказишдаги ошкоралик ўз аксини топган.



Беш эгизак дунёга келди 3

Фарзандсизлик доғида куйиб юрган аёлнинг ноласи ижобат бўлиб... беш эгизак — уч ўғил, икки қизли бўлди



«Дорингизнинг муддати ўтган экан-ку!» 4

Биз — истеъмолчимизми, демак, ўзимиз сотиб олаётган дорининг мувофиқлик сертификати бор-йўқлигини билишга ҳақлимиз!



Қўшма корхона иш бошлади

Наманган шаҳрида «Helil-Silk» LTD Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси иш бошлади.

Бу ерда йилига 300 тонна пилла қайта ишланиб, 97 тонна ипак олинади. Устав жамғармаси 1 миллион АҚШ долларига тенг мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 70 фоиздан ортиғи экспорт қилишга мўлжалланган.

Қўшма корхонага жалб этилган тўғридан-тўғри инвестиция ёрдамида 572,5 минг АҚШ долларилик пиллани қайта ишлайдиган дастгоҳлар келтирилди. Ҳозир уларни созлаш, синаш ишлари олиб борилмоқда. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, **бу ерда 200 та янги ишчи ўрни яратилади.**

Асосан маҳаллий ёшлардан ташкил топган корхона жамоасининг мақсади сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашдир.

✧✧✧

Суратларда: *ипак ўровчилар Умида Маматова ва Зуҳра Мўйдинова.*

Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Иттифоқчилик муносабатлари — амалда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 ноябрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Зубковни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида ҳар томонлама ривожланиб бораётганини, давлатларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам самарали алоқаларни йўлга қўйганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларни олий босқичга олиб чиқишга асос бўлаётган мазкур шартнома барча соҳалардаги ҳамкорликка юксак суръат бахш этмоқда. Икки мамлакат президентлари олий даражадаги ташрифлар ва халқаро ташкилотларнинг саммитларида мунтазам учрашиб, ўзаро алоқаларга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиб турадилар. 2006 йил давомида Ислом Каримов ва Владимир Путин тўққиз марта учрашди. Мамлакатларимиз ўртасида турли мақомдаги ўттиздан зиёд делегациянинг ташрифлари уюштирилди.

Ўзбекистон — Россия муносабатларини ривожлантиришда мамлакатларимиз раҳбарларининг бир-бирига ҳурмат ва ишончи, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари, шунингдек, халқаро муаммолар борасидаги қарашлари ўхшаш ва яқин эканлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ташқи савдосининг ўттиз фоиздан ортиғи Россия ҳиссасига тўғри келади. Экспорт ва импорт таркиби ҳам жуда бой — машина ва ускуналар, энергия манбалари, қора ва рангли металлар, пахта толаси, пластмасса, ёғочни қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари. 2006 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўтган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сотиб олди.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сони тўрт юз эллликдан ошади. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган 284 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, савдо, энергетика, кончилик, металлургия, суғурта, молия сектори, озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётир. Саноатнинг электротехника, машинасозлик, самолётсозлик каби мураккаб тармоқларида алоқалар кенгаймоқда.

(Давоми 2-бетда)

Стратегик шерикликнинг юксак самаралари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 ноябрь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбари Вэнь Цзябаони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари бу ХХР Давлат кенгаши раҳбарининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифи эканини, бугунги учрашув мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатларига доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият яратишини таъкидлади. Ўзбекистон икки томонлама алоқаларнинг бугунги ҳолатини, ҳамкорликнинг суръатини юксак баҳолаши ва қадрлашини, мамлакатларимиз ШҲТнинг фаол аъзолари эканлиги ҳам ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашини қайд этди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг анъанавий дўстона, ўзаро манфаатли алоқаларида икки давлат раҳбарлари ўртасида қарор топган ишонч ва ҳурмат-эътибор муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳамкорликнинг барча соҳаларини қамраган Ўзбекистон — Хитой муносабатлари 2005 йилда Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланганидан кейин янги босқичга кўтарилиб, мазмунан бойиб бормоқда.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2006 йилда қарийб 600 миллион, жорий йилнинг январь-август ойларида 477 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йил май ойида ХХРга давлат ташрифи асосида эришилган келишувлар Ўзбекистон иқтисодиётига 1,5 миллиард доллар миқдорида сармоя киритилишини назарда тутиши, шунингдек, ШҲТнинг 2004 йилги Тошкент саммитида Хитой мазкур ташкилотга аъзо давлатлар учун 900 миллион доллар миқдорида кредит ажратгани ва ушбу ташаббус доирасида Ўзбекистон томонидан тақдим этилган 22 лойиҳа кўриб чиқилаётгани мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг кўлами кенглигидан далолатдир.

Давлатларимиз ўртасида имзоланган терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашда ўзаро ҳамкорлик, ташқи сиёсат маҳкамаларининг ҳамкорлиги ва маслаҳатлашувлари тўғрисидаги битимлар ўзаро ишонч руҳини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик қамрови ҳам кенг.

(Давоми 2-бетда)

Сўз — ЎзХДП VI қурултойи делегатларига

Сиёсий синов олдидамиз

Меҳрибон ТОЖИЕВА, Қибрай туманидаги Ўнқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

— Қурултой сиёсий партиянинг олий органидир. Унда партия ҳаётидаги энг муҳим қарорлар қабул қилинади, мамлакат сиёсий майдонидаги воқеаларга муносабат билдирилади. Ўзбекистон ХДПнинг 2005 йилда бўлиб ўтган V қурултойи партиямизда тарихий ўзгаришлар ясашга қаратилган қарорлар қабул қилганидан барчамизнинг хабаримиз бор. Бу нафақат партиямиз, балки, мамлакатимиз сиёсий майдонида ҳам муҳим воқеа бўлган эди. Чунки партия ўзининг сўл сиёсий мафкурага асосланган Дастурини қабул қилди. Сўллик позициясидан келиб чиқиб ўз йўналишлари, сиёсий устуворликларини аниқ белгилаб олди.

Ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон ХДП том маънодаги сиёсий куч сифатида фаолият кўрсатди, деб бемалол айта оламиз. Дастурий мақсадларимизни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан изчил ишлар олиб борилди. Бу жараёнда айниқса, парламент демократиясининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган, Қонунчилик палатасидаги қўпчилик — Демократик блокка нисбатан ўзини мухолифатда деб эълон қилган фракциямизнинг саъй-ҳаракатлари, ташаббусларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Доим ривожланиб, янгиланиб бораради. Шундай экан, партиямиз олида ҳам янги вазифалар пайдо бўлаяпти. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун сиёсий кучлар олдига янги-янги талабларни қўймоқда. VI қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўз номзодимизни кўрсатиш, унинг сайловолди дастури билан бирга партиямиз кейинги фаолиятига оид масалалар, устувор йўналишларни ҳам муҳокама этамиз.

Рустам ХЎЖАНИЁЗОВ, Ўзбекистон ХДП Амударё туман кенгаши раиси (Қорақалпоғистон Республикаси):

— Партиямизнинг VI қурултойи кун тартибига қўйилган масалалар ўта долзарб ва жиддийдир. Масалан, биргина Марказий Кенгашимизнинг VII пленумида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши, ўзининг муқобил номзодини кўрсатиши масаласини олайлик. Бу ҳақда фикр айтиш ҳар бир делегатдан катта масъулиятни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, бу — мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партияларнинг ҳаммаси учун ҳам муҳим сиёсий синов жараёни. Қолаверса, у нафақат сиёсий партиялар, балки бутун мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Бу сайлов мамлакатимизда демократик жараёнларнинг ўзига хос ойнаси бўлади. Айни чоғда одамлар онг-тафаккуридаги ўзгаришлар, аҳоли ҳуқуқий маданияти, шунингдек, партиямизнинг сиёсий майдондаги нуфузи намоён бўлади.

Қурултойда партиямиз сайлов кампанияси қандай олиб бораси, асосий эътиборни нималарга қаратади, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатган номзодимизнинг сайловолди дастурининг асосий йўналишлари нималардан иборат бўлади каби кўпдан-кўп саволларга жавоб олишимиз табиий.

Қурултойдан сўнг эса сайлов кампанияси ва ташвиқот даврида нафақат партиямиз вакилининг сайловолди дастурини, шу билан бирга сайловнинг мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатида ҳамда Ватанимиз тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятини ҳам партиядошларимизга, қолаверса, электоратимизга кенг тушунтириб беришимиз керак бўлади. Бунда айниқса, аҳоли ўртасида Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида демократик ривожланиш йўлида эришган ютуқлари, ислоҳотларимиз одимлари, сиёсий партияларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги роли кучайиб бораётганлигини фаол тарғиб қилмоғимиз жоиз, албатта.

ШҲТ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси

Тошкентда 2 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимов, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбари Вэнь Цзябао, Қирғизистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчи Алмазбек Атамбаев, Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Зубков ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Оқил Оқиловнинг тор доирадаги учрашувидан бошланди. Музокарада ШҲТ Бош котиби Б.Нургалиев ва ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори М.Субанов ҳам иштирок этди.

Ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтган мулоқот чоғида ШҲТ ўз тараққиётининг янги босқичига чиқаётгани, Бишкек саммитида имзоланган Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бунинг учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши таъкидланди. Ташкилотнинг халқаро нуфузи юксалиб, унга аъзо бўлиш истагини билдирган давлатлар сони ортиб бормоқда.

ШҲТ мамлакатлари ўртасида товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошмоқда. Хусусан, ўтган йили Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан савдоси 40 фоиз ўсди.

Қатнашчилар ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг сўнгги мажлисида ҳукуматлар олдига қўйилган вазифалар — ташкилот қамраган минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда, аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришда ҳамкорликка доир кенг кўламдаги масалаларни кўриб чиқдилар. Кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалга оширишнинг чора-тадбирлари юзасидан фикр алмашилди.

Хавфсизлик муаммолари, Афғонистонни тиклаш масалалари ШҲТнинг доимий эътиборида. Томонлар терроризм, экстремизм, айирмачилик, наркобизнес каби таҳдидларга қарши курашда ва ахборот хавфсизлигини таъминлашда ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.

ШҲТ Бош котибининг Давлат раҳбарлари кенгаши ва Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ташкилот доирасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга оид қарорлари ижросининг бориши ҳақидаги ҳисоботи тинглади.

Ташқи савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар учун масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг жорий йил 24 октябрь куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган кенгашида Кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалиётга татбиқ этишга қаратилган муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

2-бет

Иттифоқчилик муносабатлари — амалда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Телекоммуникация ва дастур таъминоти, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларида катта имкониятлар мавжуд ва уларни тўлиқ ишга солиш устувор вазифалар сирасидандир. Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари билан Россия Федерацияси субъектлари ўртасида бевосита алоқалар йўлга қўйилган ва изчил ривожланмоқда.

Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия мунтазам равишда мажлислар ўтказиб, алоқаларни кенгайтиришнинг янги имкониятларини кўриб чиқади, устувор соҳаларни белгилайди. Жорий йил март ойида Москвада унинг тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мамлакатларимизнинг гуманитар соҳадаги ҳамкорлиги таълим, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, фан ва технологиялар каби соҳаларни қамраб олган. Ўзбекистонда Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг филиали фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили пойтахтимизда М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг, жорий йилда И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиаллари очилди. Маданият ва санъат намояндаларининг ҳамкорлиги доирасида турли кўргазма ва гастроллар ташкил этилмоқда.

В.Зубков самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Россия Ўзбекистон билан ҳамкорликни, барча соҳаларда ривож топаётган шериклик алоқаларини юксак қадрлашини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Стратегик шерикликнинг юксак самаралари

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шанхайда ўтказиладиган анъанавий халқаро миллий маданият ва санъат фестивалида Ўзбекистон вакиллари, Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида хитойлик хонанда ва созандалар мунтазам қатнашиб келмоқда. Тошкент ва Пекинда бўладиган замонавий санъат биенналелари ҳам икки мамлакат ижодкорларининг фаол иштироки билан ўтади.

Пекиндаги Миллатлар марказий университетида ўзбек тили кафедраси, Тошкентда хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций номидаги институт очилган.

Мамлакатларимизнинг ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш, жумладан, спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам бир-бирига ҳамоҳанг. Ўзбекистонда спортнинг янги турлари ривожланиб бораётир. Хитой 2008 йилги Олимпия ўйинларига мезбонлик қилади. Бу жиҳатдан 2005 йилда икки мамлакат Миллий Олимпия қўмиталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзолангани муҳим аҳамиятга эга.

Оқсаройдаги учрашувда Вэнь Цзябао самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорлик соҳаларини янада кенгайтириш тарафдори эканлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ШҲТ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси

(Давоми. Боши 1-бетда)

2007 йилнинг июнь ойида эса Москва шаҳрида ёқилғи-энергетика мажмуи учун масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг кенгаши ўтказилиб, ушбу соҳадаги ҳамкорликка оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Мажлисда нефть-газ конларини ўзлаштириш, ёқилғи-энергетика мажмуи инфратузилмаларини такомиллаштириш, шунингдек, юқори технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш муҳим ва долзарб вазифага айланиб бораётгани қайд қилинди.

Шунингдек, машинасозлик, кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, транспорт коммуникациялари каби соҳаларда ҳамкорлик учун кенг имкониятлар мавжуд.

Қатнашчилар ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши билан Банклараро бирлашмасининг ҳамкорлигини янада ривожлантириш, аъзо мамлакатлар ишбилармон ва молиявий доираларини йирик минтақавий сармоявий лойиҳалар ижросига кенгроқ жалб этиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари ва экспортга йўналтирилган секторларида, юқори технологиялар соҳасида ушбу икки тузилманинг ҳамкорлиги ривожланмоқда.

Кенгашнинг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ШҲТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик масалаларининг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Музокаранинг бу қисмида кузатувчи давлатлар вакиллари — Ҳиндистон Республикаси давлат ташқи ишлар вазири Е.Ахамед, Эрон Ислом Республикаси биринчи вице-президенти П.Довудий, Мўғулистон Бош вазирининг ўринбосари М.Энхсайхан ва Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Х.Касури, шунингдек, меҳмон сифатида Афғонистон Ислом Республикаси биринчи вице-президенти А.Масъуд қатнашдилар.

Мажлисда ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасида транспорт, ёқилғи-энергетика мажмуи, кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, юқори технологиялар борасидаги ҳамкорлик, гуманитар соҳадаги алоқаларга доир масалалар муҳокама қилинди.

Мазкур мамлакатларнинг бирбирига боғлиқ жиҳатлари анчагина. Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, мамлакатимизнинг транспорт коммуникациялари қатор давлатлар учун транзит вазифасини бажаради ва айни пайтда Ўзбекистонга тегишли юклар қатор мамлакатлар ҳудуди орқали ўтади. Биргина Андижон — Ўш — Қашқар магистралининг салоҳияти таҳлил қилинса, бу борадаги ҳамкорликнинг имкониятлари анча кенг эканлиги аён бўлади. Шу боис транспорт соҳасида халқаро автомобиль ҳаракати учун қулай шарт-шароит яратиш бўйича битим ишлаб чиқиш лозим. Энергия манбаларини узатиш борасида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Саноатнинг кўплаб соҳаларида қўшма корхоналар тузиш, сармоявий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳар томонлама фойдалидир. Пахта, тери, ипакни ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби тармоқларнинг ўзида ҳам катта имкониятлар бор. Мажлисда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ва рағбатлантиришга келишиб олинди.

Гуманитар ҳамкорлик масалаларига, айниқса, маданият ва спорт соҳасидаги алоқаларга сўнгги вақтларда Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисларида ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бишкек саммитида Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолангани бунинг ёрқин тасдиғидир. Мажлисда ШҲТ Котибиятига экспертлар гуруҳи билан ҳамкорликда Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалиётга татбиқ этишнинг муайян чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Бу йўналишда маданий ва бадиий жамоаларнинг сафарларини уюштириш, турли фестиваллар, кўргазмалар, танловлар, спорт мусобақалари ташкил этиш, талабалар алмашиш, олим ва тадқиқотчиларнинг мулоқотларини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

ШҲТнинг Бишкек саммитида ёшлар ташкилотларининг уюшмасини тузиш, олий таълим муассасаларининг ҳамкорлигини ривожлантириш учун ШҲТ университетини ташкил этиш борасида фикрлар билдирилган эди. ШҲТ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши мажлисининг қатнашчилари бу йўналишдаги имкониятларни кўриб чиқдилар.

Соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Бу борадаги алоқалар тиббиёт ва фармацевтика соҳасида тажриба алмашиш, турли эпидемияларга қарши биргаликда курашишга хизмат қилади. Соғлиқни сақлаш масалалари муайян даражада атроф-муҳит муҳофазасига боғлиқдир. Мажлисда таъкидланганидек, ШҲТ доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик концепцияси ишлаб чиқилган. Уни амалиётга жорий этишни жадаллаштириш зарур.

Мажлисда ташқи савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт, нефть-газ сектори, қишлоқ хўжалиги, маданият ва санъат, спорт, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика каби соҳалар учун масъул бўлган вазирлик ва идораларга ушбу йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди, мавжуд режа ва дастурлар ижросини фаоллаштириш юзасидан кўрсатмалар берилди. Кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини бажариш чора-тадбирлари режасига киритилган лойиҳаларни таҳлил қилиш вазифаси топширилди.

Кенгашда ШҲТнинг 2008 йилги бюджети тўғрисида қарор қабул қилинди. Навбатдаги мажлисни 2008 йилда Қозоғистонда ўтказишга келишиб олинди.

Мажлис якунида Қўшма баёнот, ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида божхона ишида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги битим имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис самарали кечгани, имзоланган ҳужжатлар ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ва кўп томонлама амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Меҳмонлар Ҳукумат раҳбарлари кенгаши юксак савияда ташкил қилинганини алоҳида таъкидладилар.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири

Демократик сайлов ва кучли фуқаролик жамияти

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 2 ноябрь куни Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг бир гуруҳи билан учрашди. Учрашув мавзуси олдимизда турган муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишланди.

Мустақиллик йилларида фуқароларимизнинг ўз сайлов ҳуқуқини рўёбга чиқариши учун мамлакатимизда барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Ҳар гал ана шу қулай имкониятлардан кенг фойдаланиш асосида, Ўзбекистонда сайлов ҳозирги замон демократиясининг энг муҳим институтига, халқимиз ўз хоҳиш-иродасини ифода қилиши, сиёсий ҳаётда, жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва айни чоғда давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан иштирок этишининг асосий шаклларидан бирига айланганига амалда кўп бор ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Айнан шу сабабдан бўлажак улкан ижтимоий-сиёсий воқеа эл-юртимиз истиқболида нечоғли салмоқли ўрин тутишини холис ва муносиб баҳолаш ҳам зиммамизга катта масъулият юклаши табиийдир.

Бугунги кунда дунёда сайловлар фуқаролик жамиятининг етуклиги ва сиёсий-ҳуқуқий маданияти даражасини акс эттирадиган кўзгудир. Истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизимимиз сайловларни очиқ ва ошкора ўтказишнинг пухта механизми эканлигини тўлиқ исботлади ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишларнинг яққол самараларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси ва неча минг йиллик миллий анъаналаримизнинг ўзаро уйғунлаштирилиши натижаси ўлароқ, миллий сайлов қонунчилигимизда халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эркин ва очиқ ифода этишини таъминлайдиган ижобий жиҳатлар мужассамини топди.

Экспертларнинг қайд этишларича, Ўзбекистон сайлов қонунчилигида демократик сайловнинг барча асосий тамойиллари — умумийлик, сайлов ҳуқуқининг барча учун тенглиги, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш, сайловда ихтиёрий қатнашиш, сайловни ўтказишдаги ошкоралик ўз аксини топган. Бу галги сайлов ушбу ҳуқуқий негиз асосида ташкил этилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси раиси йиғилганларга сайлов кампанияси бошланганидан буён ўтган қирқ кундан ортиқ вақт мобайнида амалга оширилган ишлар, қабул қилинган қарорлар, ташкил этилган тадбирлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда Марказий сайлов комиссияси қарорларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузилди. Округ сайлов комиссияларининг шахсий таркиби тасдиқланди. Айни вақтда жойларда участка сайлов комиссияларини ташкил этиш жараёни давом этмоқда.

Марказий сайлов комиссияси томонидан, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарор қабул қилинди. Унга кўра мамлакатимизда фаолият юритаётган ва сайловда иштирок этишга ижозат сўраб мурожаат этган бешта сиёсий партияга сайловда иштирок этиш учун ижозат берилди.

Булар — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат сўраб мурожаат этган битта сайловчилар ташаббускор гуруҳига ҳам бўлажак сайловда қатнашишига ижозат этилди. Ана шу партияларнинг барчаси ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи ваколатли вакилларига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкалари берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва сайловни ўтказиш жараёнларини холисона ёритишга оид битим имзоланди. Мазкур битимни имзолашдан мақсад миллий сайлов қонунчилигимизни сайловчилар орасида тушунтириш борасидаги ишларни самарали ташкил қилиш, сайлов жараёнининг очиқлиги, ошкоралиги ва транспарентлигини таъминлаш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, ўтказилаётган сайлов жараёнидаги асосий тадбирларнинг босқичлари, муддатлари ва мазмуни ҳақида сайловчиларни ўз вақтида хабардор қилишдан иборат.

Шу билан бир қаторда, Марказий сайлов комиссияси томонидан округ сайлов комиссиялари раислари, котиблари ва матбуот хизматларининг ходимлари учун семинарлар ташкил этилди ва ўтказилди.

М.Абдусаломов айни вақтда Марказий сайлов комиссияси Ҳаракат дастурида белгиланган ишларнинг ташкилий-тайёргарлик босқичи деярли якунига етгани ва эндиликда сайловолди кампаниясининг асосий тадбирларни босқичма-босқич бошланаётганига эътиборни қаратди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганида бошланади ва 45 кун қолганида якунланади. Номзодларни рўйхатга олиш сайловга 35 кун қолганида тугайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олинган номзодлар ҳақидаги маълумотларни 23 ноябргача эълон қилади. Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимизда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар юксак савияда, миллий қонунчилик талаблари доирасида амалга оширилаётир.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов билан самимий ва қизғин мулоқот чоғида мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида демократик ва фуқаролик институтлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилгани алоҳида таъкидланди. Уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур ҳуқуқий асос, қулай шарт-шароит ва тегишли имтиёзлар яратилди. Бунинг натижасида юртимизда ҳозирги кунда қарийб 5 минг нодавлат нотижорат ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, улар ҳаётимизнинг турли ижтимоий йўналишларида давлат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Учрашувда иштирок этган фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг аксарияти бундан икки ярим йил аввал ташкил этилган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясига аъзо нодавлат нотижорат ташкилотларнинг (ННТ) фаолларидир. Мазкур ассоциацияннг асосий мақсадларидан бири ҳам жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш йўлидаги вазифаларни ҳал этишда, кишилар онгу-шуурида демократик қадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг ижтимоий-сиёсий, социал ва амалий фаоллигини юксак даражага кўтаришда, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуришда ННТлар ролини янада кучайтиришдан иборат.

Эътиборли жиҳати шундаки, сайловнинг асосий субъектлари ҳисобланувчи сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидир. Бу бугунги кунда мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси ҳаётимизга кенг татбиқ этилаётганлигини яққол тасдиқлайди.

Бошқача айтганда, ҳар қандай давлатда, ҳар қайси жамиятда сайлов жараёнида сиёсий куч ва ҳаракатларнинг интилишлари билан бирга одамларнинг эркин фикрлаш даражаси, фикрлар хилма-хиллиги, жамиятдаги кайфият ёрқин намоён бўлади. Учрашув давомида тадбир иштирокчилари кайфиятида ана шундай юксак ижтимоий-сиёсий руҳ сезилиб турди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқароларимизнинг бўлажак сайловда ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишларни ривожлантириш истиқболи йўлида қўшадиган ҳиссаси бўлади.

Учрашувда қатнашчиларнинг кўплаб саволларига атрофлича жавоб берилди.

Гулом МИРЗАЕВ,
ЎзА мухбири

☑ 4 ноябрь – ЮНЕСКО ташкил топган кун

Мамлакатимиз нуфузли халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айниқса, Ўзбекистон билан БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланмоқда. Халқлар ўртасида гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшишни мақсад қилган ЮНЕСКО ташкил топган 1946 йилдан буён ўтган даврда кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. У миллий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, умуминсоний аҳамиятга молик миллий қадриятларни ҳимоялаш билан шуғулланадиган халқаро ташкилотдир.

Ўзбекистон ва ЮНЕСКО — фаол ҳамкор

Ҳозир ЮНЕСКОга икки юзга яқин мамлакат аъзо. Ташкилотнинг асосий мақсади халқлар ўртасида таълим, фан ва маданият, шунингдек, ахборот соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Ташкилотга аъзо мамлакатларда ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссиялар тузилган. Улар мазкур соҳаларни ривожлантириш учун масъул муассасалар билан ҳамкорлик қилади. Шунингдек, ЮНЕСКО алоқа ўрнатган олти юзга яқин нодавлат ташкилот ҳам унинг дастур ва лойиҳаларида фаол иштирок этади. Турли мамлакатлардаги олти мингга яқин мактаб ташкилотнинг Бирлашган мактаблар дастурига аъзо бўлган. Бу мактабларда таълим дастури билан бир қаторда бағрикенглик, тотувлик ва ҳамкорликнинг аҳамияти каби эзгу ғояларга бағишланган қўшимча дарслар ўтилади. ЮНЕСКОнинг беш мингга яқин клуб, уюшма ва маркази эса ташкилот томонидан илгари сурилган ғояларни тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз ЮНЕСКОга 1993 йилда аъзо бўлган. 1996 йилда пойтахтимизда унинг ваколатхонаси иш бошлади. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб келганини, ҳамкорликда кўплаб самарали лойиҳалар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 1998 йилда ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 155-сессиясида Президент Ислом Каримов ташкилотнинг олий мукофоти — «Абу Али ибн Сино» олтин медали билан тақдирланди. Давлатимиз раҳбарига ЮНЕСКОнинг «Боробудур» олтин медали топширилганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш, маданий ёдгорликлар, тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларни асраб-авайлаш, таъмирлаш ва келгуси авлодларга етказиш ҳамда аждодларнинг бой меросини ўрганиш ва тарғиб этиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Мирзо Улуғбек тавалудининг 600 йиллиги, Амир Темур тавалудининг 660 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик тўйлари, «Алпомиш» халқ достони яратилганининг 1000 йиллиги, «Авесто»нинг 2700 йиллиги, Термиз шаҳрининг 2500 ва Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик тўйлари, жорий йилда эса Самарқанднинг 2750 ва Марғилоннинг 2000 йиллиги нишонлангани ана шундай улуғвор ишлардандир. Бундай тадбирлар ЮНЕСКО билан ҳамкорликда халқаро миқёсда кенг нишонланди.

ЮНЕСКО юртимизда ўтадиган кўплаб маданий тадбирларнинг меҳмони, фаол ташкилотчиси ва иштирокчисидир. Ташкилот ҳар икки йилда бир марта Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келади. 2000 йили Ўзбекистон ҳукумати билан ЮНЕСКО ўртасида ЮНЕСКОнинг «Шарқ тароналари» мукофотини таъсис этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Жорий йилда ўтказилган навбатдаги фестивалда ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо бин Жаъфар Ҳассан қатнашди.

2003 йилда ташкилот томонидан «Барқарорлик ва тараққиёт учун таълим 10 йиллиги» эълон қилинди. Ушбу ташаббус доирасида мамлакатимизда ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда — аҳолининг тил ўрганиш имкониятларини кенгайтириш, маънавият ва маърифат йўналишлари бўйича таълимни ривожлантириш, фан-техника ютуқларидан янада кенг фойдаланишни таъминлаш каби вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Кўплаб мутахассисларимиз ЮНЕСКО ҳузуридаги Таълимни режалаштириш институтида малака ошираётир. Ташкилот қатор жамғарма ва ўқув юртлари билан ҳамкорлик орқали юртимизда ахборот технологияларини ривожлантириш жараёнида ҳам фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, Ўзбекистондаги ўттизга яқин мактаб, гимназия, лицей ва коллеж ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастури доирасидаги тадбирларда қатнашаётир. Мамлакатимиз ушбу дастурни муваффақиятли амалга оширгани учун 2001 йили ЮНЕСКОнинг «Тинчлик таянчи» мукофотига сазовор бўлган.

ЮНЕСКО юртимиздаги қадимий ёдгорликларни тиклаш ва кенг тарғиб этишда фаоллик кўрсатяпти. Унинг Жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига қадимий Самарқанд ва Шаҳрисабз, Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, Хивадаги Ичан қалъа мажмуи каби ноёб обидалар киритилган. Бойсун миллий фольклор анъаналари ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг оғзаки ва номоддий дурдонаси сифатида эътироф этилган. Булардан ташқари, Ўзбекистон кино усталари томонидан яратилган ўнлаб бадиий ва ҳужжатли фильмлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон кинематография мероси рўйхатига киритилгани юртимизнинг нафақат қадимий ёдгорликлари, балки замонавий маданият ва санъат намуналари ҳам халқаро миқёсда юксак қадрланаётганидан далолатдир.

Ушбу халқаро ташкилот билан мамлакатимиз ўртасидаги алоқалар йилдан йилга ривожланиб, қамров доираси кенгайиб бораётир. Ўзбекистон ЮНЕСКО билан фаол ҳамкорлик қилар экан, жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА шарҳловчиси

XORIJDA

Кўнгиллилар камайиб бормоқда

Америка қуролли кучлари одатдагидек, 1 октябрдан армияга чақирувни бошлаган. Бироқ Америка тарихида биринчи бор, аниқроғи, 1973 йили мамлакатда мажбурий ҳарбий хизмат бекор қилиниб, ихтиёрий хизмат жорий этилганидан бери илк бор армия хизматига отланувчилар сони рекорд даражада пасайиб кетди.

Қуролли кучлар сафига чақирувни ташкил этиш ишларига жавобгар генерал Уильям Уолеснинг айтишича, бу йил армияда хизмат қилишни хоҳловчилар сони камлиги боис бўш ўринларни тўлдиришда муаммолар юзага келиши аниқ.

Одатда чақирув мавсуми бошлангунга қадар 25 фоиз (тахминан 20 минг) чақирув ёшидаги йигитлардан ихтиёрий аризалар келиб тушган бўлади. Бу йил эса бу миқдор атиги 9 фоизни ташкил этди, холос. Ўтган йил эса бу кўрсаткич 15 фоиз бўлган эди.

Ваҳоланки, Ироқ ва Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар давом этаётгани боис Америка қуролли кучлари ўз таркибини кенгайтириб боришни мақсад қилиб қўйган. Бу мақсадга етиш учун Пентагон шу йил ёзда армияга чақирилувчиларга, яъни сентябрь ойи охиригача армия хизматига бориш учун ариза берганларга қўшимча 20 минг доллар миқдорида пул берилишини эълон қилган. Бироқ, бу суммани америкаликлар кам деб ўйлашмоқда ва шунинг учун ҳам армияга ёзилувчилар сони кутилган натижани бермаяпти. Иккинчидан, Ироқ ва Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар давом этаётгани ҳам уларни армияда хизмат қилиш ниятидан қайтармоқда. Негаки, «АР» ААнинг хабар беришича, Америка аскари ҳалок бўлгани ёки асир олингани, ёинки яралангани ҳақидаги совуқ хабарлар Афғонистон ва Ироқдан кунора келиб турибди.



Харажатлар ўз зиммасида

АҚШ ва ЕХХТнинг Россия давлат думасига шу йил 2 декабрда бўлиб ўтадиган сайловни кузатиш учун таклиф этилганлар сони чекланганлиги борасидаги ташвишлари асоссиздир. Бу ҳақда Россия Марказий сайлов комиссияси аъзоси Игорь Борисов баёнот берди.

– Биз 300-400 нафар кузатувчини таклиф этдик. Бу сайлов жараёнини мониторинг қилиш ва баҳо бериш учун етарли, – деди у «Новости» АА мухбирига берган интервьюсида.

Унинг айтишича, 2003 йилги сайловга 1 минг 100 киши кузатувчиликка таклиф этилган. Аммо халқаро кузатувчиларнинг қанча бўлиши ва уларни қачон таклиф қилиш ҳақида на Россия қонунчилигида, на халқаро меъёрларда алоҳида ҳужжат қабул қилинган. Бундан ташқари, Россия «икки ёқлама» стандартлар сиёсатига ҳам бир неча бор дуч келган.

«Масалан, АҚШдаги сайловларга халқаро ташкилотлар жуда кам кузатувчиларни жўнатади, Европа мамлакатларига эса саноқли миқдорда. Бизга эса бутун бошли армия кузатувчиликка келишни хоҳлайди», – деди И.Борисов.

Бу сафар халқаро кузатувчиларни «сотиб олди» деган маломатлардан ҳоли бўлиш мақсадида Россия улар харажатлари учун пул тўламасликка қарор қилди.

Беш эгизак дунёга келди



Италиянинг Порто Сан Жоржо шаҳрида яшовчи 27 ёшли Сара Тарантинанинг қувончи чексиз. Негаки, у фарзандсизлик доғида куйиб юрарди. Буни қарангки, ноласи ижобат бўлиб, икки эмас, уч эмас, балки беш эгизак – уч ўғил, икки қизли бўлди.

Чақалоқлар операция йўли билан она қорнидан олинди. Ҳозир улар тиббий кузатув остида. Эгизаклар интенсив терапия бўлимида камида 70 кун бўлиши лозим.

Шифокорларнинг айтишларича, Карлотта, Томмазо, Камилла, Филиппо ва Жоржиаларнинг (чақалоқларга шундай исм қўйилди) аҳволи қониқарли. Онаси ҳам ўзини яхши ҳис қилмоқда.

Акциядорлик-тижорат

«АЛОҚАБАНК»нинг

молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли муҳим фактлар ҳақида

ХАБАРНОМА

05-хабар

Даромадлари ҳисобланган ва (ёки) тўланаётган (тўланган) қимматли қоғозлар тури, шунингдек, акциялар учун — категорияси (тури): имтиёзли акциялар.

Банк томонидан акциялар бўйича дивидендларни тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарорни қабул қилиш санаси: 2007 йил 1 ноябрь.

Акциялар бўйича дивидендларни тўлаш муддати: 2007 йил 2 ноябрдан — 2008 йил 1 январгача.

Дивидендларни ҳисоблаш вақтида — акциялар бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарорни қабул қилган банк бошқаруви органи: кузатув Кенгаши.

Кўрсатилган категория (тур)даги ҳар бир акцияга ҳисобланган, тўланаётган (тўланган) дивиденд миқдори: имтиёзли акция учун — 20 сўм.

Даромадлари ҳисобланган бир категория (тур)даги акциялар умумий сони бўйича ва даромадлари тўланган бир категория (тур)даги акциялар умумий сони: имтиёзли акциялар умумий сони — 4 441 246 дона.

Қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган даромадларни тўлаш шакллари (пул маблағлари, бошқа молмулк): пул маблағлари.

07-хабар

Банк томонидан қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхати тузиш санаси тўғрисида қарорнинг қабул қилиш санаси: 2007 йил 1 ноябрь.

Қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхати тузиладиган сана: 2007 йил 1 октябрь.

08-хабар

Қимматли қоғозлар эгаларининг олдидаги банк мажбуриятлари: банкнинг имтиёзли акциялари учун дивидендлар тўлаш.

Қимматли қоғозлар эгалари олдидаги банк мажбуриятларини бажариш муддатлари: 2007 йил 2 ноябрдан — 2008 йил 1 январгача.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК Тендер комиссияси

магистрал темир йўллар рельсларини харид қилишга
Р-65 Т1 К76Ф (М76Ф)-25=0 (тирқишсиз)
5000 тонна миқдорида
белгиланган муддатда етказиб бериш учун
(2008 йил 1-2 чорак)

№13 тендер эълон қилади

Тендер ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 7, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК, «Темирйўлёнилғитаъмин» бошқармаси, 410-хона.

Телефонлар: 138-85-70, 138-84-72, 138-86-34.

Тендерда иштирок этиш учун буюртмалар оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг моддий-техника таъминоти бошқармаси қуйидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш учун

ТЕНДЕР ТАНЛОВЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳарбийлар учун кўйлаклар: ёнғин хавфсизлиги ходимлари учун махсус кийим-бош, ички кийимлар.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700070, Тошкент шаҳри, Ш.Руставели кўчаси, 1-тор кўча, 1-уй.

Тендерда қатнашувчи талабгорлардан таклифлар қабул қилишнинг сўнгги муддати 2007 йил, 1 декабрь 17.00.

Маълумотлар ва тендер ҳужжатлари учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача 810998 (371) 1537416, 2814372, 1363960, 2557672 телефонлари, 810998 (371) 2814373, E-mail: umtvs@uzpak.uz, факс орқали мурожаат қилиш мумкин. Шунингдек, www.dgMarket.uz сайтида қўшимча маълумотлар бор.

Барча қурилиш корхоналари раҳбарлари диққатига!

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси буюртмаси билан Гулистон шаҳридаги 20000 ўринли стадионни реконструкция қилиш бўйича

ҚАЙТА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Қурилиш ва реконструкция ишларини молиялаштириш Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи — Вилоят ҳокимлигининг қурилишда Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.

Инвестор — Республика Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сирдарё вилояти филиали.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уй.**

Тел: (8-3672) 27-64-84, факс: (8-3672) 27-64-42.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар)нинг очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида ўттиз кундан кейин ўтказилади.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2007 йилнинг 4,7,11,14,18,21,25,28 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади.

Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:

Юнусобод тумани, «Ҳасанбой» даҳаси, 1-мавзеда жойлашган, сатҳи 0,04 га. бўлган 3-сон ер участкаси. ***Бошланғич нархи — 946 400 сўм.***

Ер участкасининг бошланғич нархига ер участкаларини савдога тайёрлаш билан боғлиқ муҳандислик-геодезия ва лойиҳа ишларини бажаришга сарфланган харажатлар қўшилмаган ва ушбу харажатлар харидорлар томонидан қопланади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар ***Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефон: 133-02-49.***

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Жиззах вилояти филиали қуйидаги объектлар бўйича танлов савдоси ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот №1-1: Жиззах вилояти, Жиззах тумани, Олмачи қишлоғидаги 20-сонли мактаб ҳудудида ёрдамчи хоналар билан 12х24 м. спорт зали қурилиши.

Лот №1-2: Жиззах вилояти, Пахтакор туманидаги 11-сонли мактаб ҳудудида ёрдамчи хоналар билан 12х24 м. спорт зали қурилиши.

Лот №1-3: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Жиллигулли маҳалласидаги 23-сонли мактаб ҳудудида ёрдамчи хоналар билан 9х18 м. спорт зали қурилиши.

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 2008 йил 1 августгача.

Буюртмачи манзили: ***Жиззах шаҳри, У.Хонимқулов кўчаси, 25-уй.***

Телефон/факс: ***(8372) 226-16-98.***

Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона.

Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, кичик мажлислар зали.

Спорт

Чагаев май ойида рингга чиқади

Профессионал бокснинг WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасидаги жаҳон чемпиони Руслан Чагаев 2008 йилнинг май ойида навбатдаги жангини ўтказади. Бу ҳақда «Советский спорт» нашри хабар қилди.

— Руслан ушбу жангини украиналик боксчилар Тарас Биденко, Владимир Вирчис ёки Александр Димитренколарнинг бири билан ўтказиши мумкин, — дейди юртдошимизнинг промоутери Клаус-Петер Коль. — Бу боксчилар айни чоғда WBA таснифида бешинчи, еттинчи ва ўнинчи поғоналарни банд этишган. Мазкур учрашувнинг Ўзбекистонда ўтиши режалаштирилмоқда. Жанг ўтказиладиган сана ва шаҳар номига яқин кунларда ойдинлик киритилади.



Пекин олимпиадасига ягона йўлланма

Бугун Чикаго (АҚШ)да ҳаваскор боксчилар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионати ниҳоясига етади.

Аввал хабар қилганимиздек, мусобақа нимчорак финал босқичи баҳсларида ҳамюртларимиздан Бекзод Хидиров (60 кг.) ҳамда Аббос Атаев (81 кг.)лар рингга чиқди. Унда туркиялик Онур Сепалга қарши жанг ўтказган Бекзод рақибига имконият бой берган бўлса, Аббос Атаев франциялик Мамаду Диамбангни енгди. Дастлабки учрашувда руминиялик Константин Беженарени нокаутга учратган Аббос учун нимчорак финал босқичи ҳам қийинчилик туғдирмади. Ҳамюртимизнинг франциялик боксчини енгиши учун 57 сония кифоя қилди ва Мамаду Диамбанг нокаутга учради. Ушбу ғалаба бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоасига илк Пекин олимпиадаси йўлланмасини тақдим этди.

Чорак финалда Аббос Атаев хорватиялик Марио Севолижага рўбарў келди. Унда ҳам ўз маҳоратини намойиш қилган моҳир боксчимиз рақиби устидан очколар ҳисобида зафар қўйди — 17:6.

Кеча кечқурун ярим финал учрашувлари ўтказилди. Унда Аббос Атаев қозоғистонлик Еркебай Шеналиевга қарши рингга кўтарилди.

Полвонлар учун

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қашқадарё вилоят филиалига таниқли полвон Баҳром Аваз раҳбарлик қилаяпти. Жамғарма ташаббуси ва маблағи ҳисобига Шаҳрисабз, Китоб, Косон ва бошқа туманларда спорт мажмуалари қуриб берилди. Шаҳрисабздаги бадиий гимнастика зали қурилишига ҳам жамғарма анча маблағ ажратди.

Қарши шаҳридаги 2-миттитуманда кичикроқ спорт майдончаси бор эди. Жамғарма раҳбарлари шароитни ўрганиб, ўртача ҳажмдаги спорт зали қуришга мос деб топишди. Яхшигина лойиҳа тайёрланди. Жами 110 миллион сўмдан ошиқ маблағ ажратилган иншоот қурилишини «Хонобод» қурилиш фирмаси олиб борди. Залнинг пол қисми француз мутахассислари томонидан қуриб битказилди. Чунки бу ёпиқ усулдаги иншоотда воҳадаги кураш спорти билан шуғулланадиган полвонлар, шунингдек, ёшлар машғулот ўтказишади. Мусобақаларга тайёргарлик ҳам шу жойда уюштирилади. Машқ учун асқотадиган барча ускуналар олиб келинди. Баҳоси 15 миллион сўм бўлган кураш гилами тўшалди. Хуллас, янги спорт иншоотида воҳа полвонлари машқ ўтказишлари, ўз маҳоратларини оширишлари учун барча шароитлар яратилган.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ушалаётган орзулар

Бундан бир неча йил муқаддам Қўқонда «Маҳмуджон» спорт мажмуи борлигини кўпчилик билмасди. Бугун эса унинг нафақат водийга, балки мамлакатимизга овозаси кетган. Бундан беш йил илгари спорт фидойиси, моҳир мураббий ва тадбиркор Мансур Муқимовнинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган мажмуа дастлаб фақат бокс залидан иборат эди.

— Бир неча ҳамфикр биродарлар билан маслаҳатлашиб, бокс зали барпо этаётган маҳалимизда Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди, — дейди мажмуа директори Мансур Муқимов. — Очиғи, жамғарма фаолиятининг йўлга қўйилиши бизга далда бўлди ва оддий бокс залини спорт мажмуига айлантириш фикри туғилди. Қисқа фурсатда шу ерда бир вақтнинг ўзида

боксдан ташқари, бадминтон, оғир атлетика, стол тенниси, сузиш, теннис каби спорт турлари билан шуғулланиш имконини берувчи мўъжаз бир иншоот яратдик.

Ҳозирги кунда «Маҳмуджон» спорт мажмуида шаҳарнинг Усмон Носир, Машраб, Ғафур Ғулом, Усмон Юсупов, Писандий, Огаҳий, Абай сингари ўндан зиёд маҳаллаларининг ўғил-қизлари ўзлари ёқтирган спорт турлари билан шуғулланишмоқда. Мажмуада бокс бўлими тарбияланувчиларининг кўплиги билан ажралиб туради.

— Бунинг ўзига хос сабаби бор, — дейди мажмуа директори. — Мамлакатимизнинг тажрибали мураббийларидан Набижон Бойматов, Алишер Мамазиёев, Бахтиёр Ризаевлар шу ерда ишлашади. Уларнинг шогирдлари номи эса юртимиз «чарм қўлқоп» ишқибозларига яхши маълум. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби Элшод Расулов (75 кг.), кўп карра мамлакат чемпионати ва халқаро турнирлар ғолиб ҳамда совриндорлари Баҳодир Мамажонов (60 кг.), Сардор Абдуллаев (+91 кг.)лар айнан шу мураббийлардан илк сабоқларни олишган. Шу боис, бокс бўлимимизга фарзандларини етаклаб келаётган отаоналар сони ортиб бораётир. Айни чоғда биргина шу бўлимда уч юз нафарга яқин бола бокс билан шуғулланмоқда. Улар орасида эса ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтаётган республика ҳамда халқаро миқёсдаги мусобақаларда муносиб натижаларни қайд этаётганлар сони талайгина.

Спорт мажмуига қадам ранжида қилар экансиз, бу ердаги шарт-шароитларни кўриб ҳавасингиз келади. Мураббий ва ёш спортчиларнинг хатти-ҳаракати, иштиёқини кузатиб, ушбу маскандан бежизга номдор бокс усталари етишиб чиқмаётганлигига амин бўласиз.

Эркин ХОЛБОБО



Суратларда: спорт мажмуаси раҳбари, бокс мураббийи Мансур Муқимов; машғулотлардан лавҳа.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1049
7824 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 22.20
Topshirilgan vaqti — 00.15
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda

Истеъмолчи ҳуқуқи

«Дорингизнинг муддати ўтган экан-ку!»

— дея эътироз билдиришдан аввал ўзимиз амал қилишимиз зарур бўлган қоидалар хусусида

Мен шу пайтгача бир марта дори ичганимни эслайман, холос. Аммо дугонамнинг тўрт йилга эскирган аспиринни ичишга қаршилик билдирганимда у «ҳеч нима қилмас, ахир кечагина харид қилдим-ку!» деганидан сўнг шу мавзуга оид кичкина бир тадқиқот ўтказишга қарор қилдим...

Хўш, борди-ю муддати ўтмаган дорини ичдингиз ҳам дейлик, лекин аҳволингиз яхшиланмади. Ёхуд шошиб сотиб олган препаратингизнинг қутисидаги ёзувни ўқигач... муддати ўтганини пайқадингиз. Бу масалада ҳар кимнинг ўз қараши бўлиши табиий. «Тўғри дорихонага бораман-да, сотувчидан пулимни қайтиб беришини талаб қиламан»-, дейди нафақадаги қўшним. «Агар у қайтиб олмасачи?»- дейман.«Э-э, нимага қайтиб олмас экан. Чекини кўрсатсам қаёққа ҳам борарди?» тортишади у. Шунда..

Рихсивой БЕКМАТОВ, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳуқуқшуноси:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 75-сонли қарорига кўра, **«Уй шароитида касалликларни даволаш учун товарлар... қайтариб олинмайди ёки унга ўхшаш товарга алмаштирилмайди».**

Иккинчидан, кўпгина давлатларнинг қонунчилигига биноан, яроқлилик муддати юз фоиз самара ва хавфсизликнинг тугаш санаси деб белгиланса-да — бу чиндан ҳам ундай эмас. Чунки дори умрини фақат вақт эмас, у сақланган муҳит ҳам ҳал қилади.

— Дорини пулига сотиб олган одам, албатта, уни очиб кўрадими? Демак, қутининг усти ва ичига, бевосита дорига қўл орқали микроб ўтиши тайин. Асептик ҳимоясига путур етган дорини беморга сотиш мантиққа тўғри келадими, — дейди **пойтахтнинг Себзор даҳасидаги «Фитобар» дорихонаси директор ўринбосари Ирина ГИЛАВЯН.** — Ачинарлиси шуки, дорилар қонунчилик томонидан **соғлиқни сақлаш воситалари** деб белгиланишига қарамай айрим дорихоначиларнинг қонун ҳужжатларидан бехабарлиги сабаб харидорларда препаратларга ҳамон халқ истеъмол моллари қаторида қараш мавжуд. «Сотилган дорилар қайтиб олинмайди» деган эълон ёзиб қўйилганига қарамай «пулимни қайтиб берасан» дея оёқ тираб оладиганлар ҳам топилади. Бундайларга мавжуд қоидаларни тушунтирганимиздан кейингина ўз хатосини англаб, узр сўрайди...

Тошкентдаги йигирматача дорихонага кириб, уларнинг ярмида сотилган дорилар қайтариб олинмаслиги ҳақидаги эълонга кўзим тушди. Қолган ярмида оғзаки тушунтириш бериб ёхуд раҳбарга учрашишни тавсия қилган бўлишса, иккита дорихонада дори қайтиб олинмаслигининг сабаби аниқ ва равшан қилиб ёзиб қўйилганидан қувондим.

Энди ҳамма гап дорини қай ҳолатда сақлашимизга боғлиқ. Зеро, олган дорингиз белгиланган муддатда яроқлилик муддатини ўтаса, ҳамёнингизга зарар етмайди.

«Ҳар бир дори намунаси учун алоҳида қўллаш йўриқномаси мавжуд. Унда дорини сақлаш шароити ва муддати кўрсатилади. Ана шу йўриқномага амал қилинса, дорингизнинг сифатлилик муддати қисқармайди», — дейди **Фармокология қўмитаси раис ўринбосари Зикрилла СОЛИХЎЖАЕВ.**

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: пул топиш илинжида турли хил йўллар орқали мамлакатимизга кириб келаётган қалбаки ва сифатсиз доридармонлар сотилишининг олдини олиш учун қандай чоралар кўрилянти? Айниқса, аксарият дорихоналар хусусийлаштирилганини эътиборга оладиган бўлсак, бу борада яна турли саволлар ўртага чиқади?

Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази қошидаги тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш идораси раҳбари муовини Абдураҳмон АШУРОВ изоҳ беради:

— Халқ соғлиғини сифатсиз тиббий маҳсулотлардан ҳимоя қилиш мамлакатимиз чегарасиданоқ бошланишини кўпчилик билади. Сифатсиз дорилар дорихона пештахталарига чиқмаслиги учун ҳам ташқи ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини текшириш — бизнинг кундалик ишимиз. Масалан, 2007 йилнинг тўққизинчи ойигача 49 номдаги дори воситалари муомалага чиқарилишининг олди олинди ва белгиланган тартибда йўқ қилинди. Улардан 28 номдагиси сифатсиз, 21 номдагиси Давлат рўйхатига олинмаган дорилар бўлиб, сифатсиз дори воситалари ичидан 8 та номдаги маҳсулот маҳаллий корхоналар, 12 таси МДҲ мамлакатлари, қолганлари эса хориж компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган. Жами маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг 24,5 млн. сўмлик, чет эл корхоналарининг 166 млн. сўмлик препаратлари ушлаб қолинган...

Шу ўринда аҳолини сифатли доридармонлар билан тўлиқ таъминлаш бевосита дорихоналар фаолиятига ҳам боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

Яна ҳуқуқшунос Рихсивой БЕКМАТОВ изоҳ беради:

— «Ўзбекистон Республикасининг Дори. воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги 25 апрель 1997 йил чиқарган қонунининг 13-моддасида ёзиб қўйилган: «**Дори воситалари фақат дорихоналарда сотилади. Дорихоналар дорихона амалиёти учун хос бўлган стандартларга мувофиқ амалга оширилади.... Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган дори воситаларининг қалбакиси ва ғайриқонуний нусхаси бўлган дори воситаларини... муддати ўтган дориларни сотиш ва улардан фойдаланиш таъқиқланади**».



Демак, қандай дорини олишингиздан қатъи назар, дорихона сизга муддати ўтмаган ва керакли шарт-шароитларга мувофиқ сақланган дорини сотишга мажбур.

Юқоридаги саволнинг мантиқий давоми сифатида яна бир жиҳатга ойдинлик киритсак. Четдан келаётган барча дори воситалари назорат остида бўлса, дорихоналар амалиёти истеъмолчи талабига жавоб берса, дори ишлаб чиқарувчи корхоналар эътибордан четда қолмаяптими?

Абдураҳмон АШУРОВ шундай жавоб берди:

— Очиғи, дорихонадан харид қилинаётган дорилар қанча мутахассислар назоратидан ўтишини кўпчилик тасаввур ҳам қила олмайди. Аҳолини юқори сифатли дорилар билан таъминлаш, мамлакатимиз фармацевтика бозорида сифатсиз, соғликка хавф туғдирадиган дори воситалари сотилишининг олдини олиш ва улар устидан давлат назоратини кучайтириш мақсадида 2002 йилнинг 5 декабрида чиқарилган Вазирлар Маҳкамасининг 427-сонли қарорига кўра, дори воситалари «мувофиқлик сертификатлари мажбурий тақдим этилиши талаб этиладиган истеъмол товарларининг қўшимча рўйхати»га киритилди. Халқимиз соғлиғи ва атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотларни савдога чиқаришни назорат қилиш, миллий маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардош бўлишини таъминлаш, истеъмолчини тайёрловчининг виждонсизлигидан (сифатсиз маҳсулотидан) ҳимоя қилиш Марказимизнинг асосий вазифасидир. Унинг 4 та филиали республика бўйича ишлаб чиқарилаётган дориларни текшириш учун Андижон, Урганч, Самарқанд ва Қаршида фаолият олиб бормоқда.

Марказ дори воситаларни сертификатлаштирувчи ягона идора эмас. Буюртма асосида сертификатлаштириш билан шуғулланадиган Тошкент фармацевтика институти «DVSIM» ҳамда «SOF DORI» хусусий корхоналари қошида ҳам тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш идоралари мавжуд. Шунингдек, «Ўзстандарт» томонидан аккредитация қилинган 4 та синов лабораториялари дори воситалари, тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналар, буюмлар ва парафармация, даволаш озуқа маҳсулотларини текширади.

Дори ишлаб чиқарувчи миллий корхоналар сафида жаҳон стандартларига жавоб бериши халқаро сертификат идоралари томонидан тан олинган корхоналар ҳам борки, бу ҳолат баъзи истеъмолчилар кўнглидаги ғашликка барҳам берса, ажабмас.

Ҳабибулла ЖАЛИЛОВ, Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази қошидаги тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш идораси раҳбари:

— Ҳозирда 83 та миллий фармацевтик корхоналар лицензияга эга, 4 та қўшма корхона ишлаб чиқараётган дори воситаларига халқаро GMP ва ISO 9001 сертификатлари берилган. МДҲ, Туркия ва Ўзбекистон ўртасида мувофиқлик сертификатларини ўзаро тан олиш келишуви мавжуд бўлиб, унга асосан шу мамлакатлардан келтирилаётган тиббий маҳсулотлар бизнинг идорамиз томонидан эътироф этилади ва аксинча. Бундан ташқари, Туркиянинг «Турк АК» халқаро аккредитация идорасининг бир гуруҳ экспертлари идорамиз ва Синов Маркази лабораториялари ва унинг мутахассислари билан танишиб, уларни аккредитациядан ўтишга лойиқ деб топишди.

Демак, биз — истеъмолчимизми, ўзимиз сотиб олаётган дорининг мувофиқлик сертификати бор-йўқлигини дорихонадан сўраб билишга ҳақлимиз. Бунга ортиқча изоҳ ҳам шарт эмас.

Менимча, энди кўркмай дорихонага бориб истаган дорини харид қилишингиз мумкин. Фақат сўнгги маслаҳат — дори қутисини синчиклаб кўздан кечиринг. Нега дейсизми?

Тошкент фармацевтика институти қошидаги дориларни стандартлаштириш илмий маркази директори Эркин НАЗАРОВ тушунтиради:

— Сифатсиз дорининг истеъмолчи дори қутисида пайдо бўлишига фақат харидорнинг ўзи айбдор, дейиш, менимча, нотўғри. Тиббиёт олий ўқув юртини тамомламаган, фармацевтика бозорининг паст-баландини яхши билмайдиган оддий харидор ўз-ўзидан арзон дори олишга мойил. Афсуски, дорихонадек тиббиёт муассасасини истеъмол дўконига айлантираётган баъзи дорихоначилар харидорларнинг бу соддалигидан фойдаланишга уринмоқда. Дорихоначининг инсофи дардига дармон излаб келаётган беморнинг жонини асраб қолиши мумкинлигини дорихона ходимлари унутмаса яхши бўларди. Республикада мавжуд беш мингдан зиёд дорихонадан адашмай сифатли дори харид қилиш учун ўзим қўллайдиган усул — йирик ва нуфузли дорихонадан(узоқ бўлса ҳам) дори олишни маслаҳат бераман.

ХУЛОСА ЎРНИДА шуни айтиш керакки, бир неча кунлик кузатувларим давомида аён бўлган оддий ҳақиқат шу: минглаб номдаги дорилар уйимизга келгунга қадар тегишли сифат назоратидан ўтса, дўконга етказувчилар эса уни ўз вақтида олиб келса, дорихона ходимлари уни белгиланган тартибда сақлаб, бизга тақдим этса, яроқсиз дори қаердан пайдо бўлади? Демак, ҳар қандай дорини уйимиз ёки ишхонамизда муддатидан ортиқ сақлаб истеъмол қилганимиз учун айбдормиз. Албатта, бу билан барча дорихоналардаги дори-дармонлар сифатли, нарх-навоси мўътадил, фармацевтикамиз нуқсонсиз ишлаяпти, деган хулосани айтишга ҳали шошилмайлик. Бу алоҳида мавзу.

Энг муҳими, дунёда соғлиқдан азизроқ, қадрлироқ бойлик йўқ эканини эътироф этиш билан бирга бу бойликни асраб-авайлаш ҳам ўз қўлимиздалигини англаб етайлик.

Ғулгун СУЛТОНОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.